

ЗАМОНАВИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Мамаюнусова М.

Фарғона политехника институти “Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатимиз ўз тараққиётида жуда ижобий ўзгаришларни бошдан кечираётгани, жумладан, глобаллашув жараёнлари дунё миқёсида авж олаётган бир даврда хавфсизликни таъминлаш давримизнинг долзарб масалаларидан бири эканлиги тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс, тараққиёт стратегияси, глобаллашув, хавфсизлик, миллий хавфсизлик, жамият ва шахс хавфсизлиги, хавфсизликка таҳдидлар, терроризм

СОВРЕМЕННЫЕ ПРОЦЕССЫ ГЛОБАЛИЗАЦИИ И НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: Данная статья посвящена раскрытию происходящих позитивных изменений за последние годы в Новом Узбекистане, а также в ней обращается особое внимание проблемам безопасности как одной из актуальных вопросов современности.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, Третий Ренессанс, стратегия развития, глобализация, безопасность, национальная безопасность, безопасность общества и личности, угрозы безопасности, терроризм.

MODERN PROCESSES OF GLOBALIZATION AND SOME ISSUES OF DEVELOPMENT OF NEW UZBEKISTAN

Annotation: This article is devoted to the disclosure of the ongoing positive changes in recent years in New Uzbekistan, and it also pays special attention to security problems as one of the topical issues of our time.

Key words: New Uzbekistan, Third Renaissance, development strategy, globalization, security, national security, security of society and individuals, threats to security, terrorism.

Кейинги йиллар мобайнида Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан юртимиз тараққиётида рўй бераётган кенг қамровли ижобий ўзгаришлар ьарча юртдоларимизнинг диққат эътиборини тортмоқда. Бу ўзгаришлар Биринчи Президентимиз И.Каримов томонидан бошланган ислохотларни янги давр

талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда давом эттиришнинг ўзига хос кўриниши ва намунаси бўлмоқда, дейилса мантиқан тўғри бўлади. Айниқса, янги президентимиз томонидан Ўзбекистон тараққиётини таъминлашда Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг изчиллик билан амалга оширилаётганлиги давлат ва жамият бошқарувида ҳам, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишида ҳам, иқтисодий ислохотлар самарадорлигини оширишда ҳам, ижтимоий соҳадаги янгиланишларни жадаллаштиришда ҳам, узоқни кўзланган ташқи сиёсатни амалга ошириш, халқимизни рози қилиб яшаш учун барча имкониятларни яратиб бериш борасида ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ўйлаймизки, буларнинг барчаси мамлакатимизнинг бугунги кундаги қиёфаси, салоҳияти ҳамда нуфузига нисбатан “Янги Ўзбекистон” дея таъриф бериш учун тўлиқ асос бўлиб хизмат қилмоқда. Эндиликда эса Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини яқин беш йил мобайнидаги вазифаларини аниқлаб олиш саъй-ҳаракатлари авж олдирилган ҳозирги даврда мамлакатимиз равнақи муаммолари ҳеч кимни бефарқ қолдирмаётганлиги бир томондан тушунарли ҳол бўлса, бошқа томондан эса ғоят қувонарли ҳолдир.

Ушбу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, бутун дунё давлатлари қатори Янги Ўзбекистон ҳам жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичдаги глобаллашув жараёнларининг авж олиши шароитида жамият ва шахс хавфсизлиги ҳамда мамлакат барқарорлигини таъминлаш масалалари долзарб муаммога айланганлигини чуқур ҳис этган ҳолда тараққиёт силсиласида ўзига муносиб йўл топишга уринмоқда.

Айниқса, кейинги ўн йилликларда сайёрамизда глобаллашув жараёнларининг кучайиши натижасида авж олиб бораётган маънавий ҳуружлар, ёт ғоя ва мафкуралар таъсирида инсон қалби ва онгини забт этиш учун амалга оширилаётган астойдил уринишлар бутун инсониятда катта ташвиш уйғотмоқда. Муаммонинг энг эътиборталаб жиҳати шундаки, кўп ҳолларда турлича геополитик мақсадлар устиворлигига эришишни мақсад қилиб олган бу кучларнинг уринишлари терроризм иллатлари билан узвий боғлиқлик касб

этмоқда. Охирги ўн йилликларда эса турли диний ақидапарстлик кучларининг бу жараёнга фаол қўшилишаётганликлари глобаллашув жараёнларига хос мураккаб муаммолар ўзига хос диний-ғоявий ва мафкуравий таҳдид сифатида намоён бўлмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, глобаллашув жараёнлари туфайли вужудга келаётган терроризм хавфи ва таҳдидлари одамзотни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ўйлаш ва ҳимояланишга ва айна пайтда у билан боғлиқ муаммоларни атрофлича таҳлил қилиш асосида олдини олишнинг илмий ечимлари тўғрисида бош қотиришга мажбур қилмоқда.

Замонавий адабиётларда баъзи мутахассислар глобаллашув жараёнларининг вужудга келиши муаммоларининг заминларини XV -XVII асрларда рўй берган буюк географик кашфиётлар билан боғлашга уринишлар учрайди. Уларнинг фикрича, XX асрга келиб бу жараёнлар тобора кенгайиб борган ва дунё тараққиётини тезлаштириш учун сезиларли таъсир эта бошлаган. Ана шундай фикр тарафдорларидан бири проф. А.Очилдиевнинг гувоҳлик беришича:”... бугун ўзини ёрқин намоён қилаётган глобаллашув бир неча асрлик илдизларга эга. XV-XVII асрлардаги географик кашфиётлар кўплаб мамлакатлар ва минтақаларнинг халқаро савдо доирасига тортилишига, саноат революцияси эса умумий алоқаларнинг янада кучаявчи, кенг қамровли бўлишига иқтисодий замин яратган эди. Кейинги даврларда бундай муносабатлар янада чуқурлашиб борди. XX аср бошларига келиб янги сифатий характер касб этган ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган мазкур жараён глобаллашув тушунчаси орқали ифодалана бошланди” [1;64] .

Бизнингча, бугунги кунга келиб терроризм инсоният учун аллақачон янги ижтимоий ҳодиса бўлмай қолди. Чунки оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали ҳар куни ва ҳар дақиқада сайёрамизнинг гоҳ у нуқтасида, гоҳ бу ҳудудида содир этилаётган террористик ҳодисалар тўғрисидаги “янгиликлар”нинг ўзи кишиларнинг ижтимоий онгида ушбу даҳшатли жараёнларнинг оддий воқеа сифатидаги стереотипни шакллантириб қўйди.

Аслида терроризм - мураккаб ва кўпжихатли ҳодисадир, унинг универсал таърифи мавжуд эмас. Баъзи муаллифлар фикрича, терроризм “бошқа одамларни кўрқитишга, террорчилар тарафдорлари бўлган мафкура томонидан талаб этилаётган тартиб ўрнатиш мақсадида ўз иродасига бўйсундиришга қаратилган шахс ёки шахслар гуруҳининг ҳаракатлари” бўлиб, “бунда мазкур жамиятда қабул қилинган чегаралардан ташқари бўлган усуллардан фойдаланилади, яъни биринчи навбатда аниқ, ажратилмайдиган характерга эга психологик, ахлоқий ва жисмоний зўравонлик”[2;24]. Ушбу фикр эгасининг даъво қилишича, одатда тасодифий одамлар терроризмнинг объекти ва қурбонларига айланади.

Терроризмга таъриф беришга уринувчилар орасида унинг ҳеч нарса ихтиро қилмаганлиги боис креатив ҳодиса эмаслигини, балки “шунчаки ҳаммасини ҳаддан ортиқ ҳолатгача етказадиган”, ”муайян нарсаларнинг тартибини, зўравонлик ва иккиланиш мантиғини кескинлаштиради” [3;136] ган ҳодиса сифатида тавсифлайдиганлар ҳам бор. Албатта, ўзининг мақсади, моҳияти ва мазмунига кўра терроризм тинчлик давридаги уруш бўлганлиги боис, терроризмга Ален де Бенуа томонидан берилган “...аҳолини кўрқитиш ва тушкунликка солиш, сиёсий маъмуриятнинг қўлларини боғлаб уни таслим бўлишга мажбурлаш учун қўлланилаётган, айбсиз қурбонларга мудҳиш зарар келтириш, тасодифий инсонларни мақсадли ўлдириш усулидир”[4;95], деган таърифига қўшилмаслик мумкин эмас.

Глобаллашув жараёнлари ўз моҳияти ва мазмунига кўра, бир томондан, ижобий жараён эканлиги боис, терроризмни глобаллашув жараёнларининг маҳсули, деб тушуниш нотўғридир. Чунки айнан ушбу жараёнлар таъсирида халқлар ва давлатлар тараққиётида ҳамкорликда ривожланиш ғоялари устиворлик касб этмоқда, интеграцион жараёнлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг замини бўлиб хизмат қилмоқда, кўпгина муаммоларнинг оқилона ечим тўғрисида халқлар ва давлатлар биргаликда бош қотириш ва саъй-ҳаракатларни амалга оширишга мажбур бўлмоқда. Пировард оқибатда одамзот тараққиёт ва ривожланишда, алоҳида таъкидлаш мумкинки, мисли кўрилмаган ютуқ ва

муваффақиятларни ҳам қўлга киритмоқда. Бу бевосита одазотнинг кўз ўнгида рўй бераётган ва инкор этишнинг имкони бўлмаган реал воқеиликдир. Ана шу таъкидлар эса, назаримизда, юқоридаги фикрни келтириш ва уқтириш учун мантиқий асос бўлади.

Терроризмга берилаётган барча таърифлар билан яқиндан танишиш уларнинг ҳаммасида бир гносеологик умумийлик мавжудлигини пайқаш имконини беради, яъни уларда терроризмда ижтимоий ҳодиса сифатида нафақат ижтимоий ва ҳуқуқий тартибнинг бузилиши таъкидланган, балки маълум даражада бутун инсониятни ташвишга солаётган глобал характердаги жаҳон ва маҳаллий муаммоларини ҳал этишнинг ўзига хос усули ҳам таъкидланган.

Албатта, терроризмнинг гносеологик вужудга келиш жиҳатлари билан бир вақтда муайян онтологик асослари борлигини ҳам айрим мутахассислар алоҳида таъкидлашмоқда. Ана шу тоифадаги ёндашувларда таъкидланишича, терроризмнинг амалга оширилиши инсон шахсига тегишли бўлган “Мен кимман?”, “Нималарга қодирман?”, “Сен кимсан?”, “Биз киммиз?”, “Сиз кимсиз?” [5;6], каби саволларга жавобларнинг мантиғи билан ҳам бевосита боғлиқ. Тушунарлироқ қилиб айтганда, ушбу фикр тарафдори таъкидлашича, террористик ҳаракатлар “инсоннинг ўзи томонидан танланган ва унга нисбат берилган ҳолатлар, ўзи ва ўз шахсий фазилатлар ҳақида тасаввурлар ва ишончлар бирлиги” [5;7], дан ҳам иборатдир.

Ҳозирга келиб жамият ўз тараққиётида ўта саноатлашган даврга ўтиши натижасида замонавий ахборот жамиятига қадам босиши маданиятни ҳам янада мураккаблаштирди. Интернет даври туфайли ахборот майдони ва борлигининг аҳамияти жуда фаоллашди ва бу, айтиш мумкинки, инсон шахсининг мураккаблашуви сабаблари орасида етакчи ўрин тутмоқда. Бунинг учун таниқли олим А.П.Краснопольскаянинг тўғри таъкидлашича, ҳозирги пайтда “шахсиятни шакллантиришга жавоб берадиган асосий ижтимоий институтлар етарлича ўзгартирилиб борилади, ҳамда ҳаттоки парчаланиб кетади ва ўз вазифаларини тўлиқ равишда бажара олмайди” [6;110-111]. Бу эса ўз навбатида замонавий

ахборот жамиятида бузуклик, девиация, рухий зўриқиш, ахлоқий меъёрлардан четга чиқиш, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун шахсий жавобгарлик масъулиятини унутиш сингари хусусиятларни тез-тез учратиш мумкинлигига олиб келмоқда. Ушбу хусусиятлар ўз-ўзидан равшанки террористик ҳатти-ҳаракатлар учун ҳам инкор этиб бўлмайдиган даражада омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шахснинг терроризмга мойиллиги ижтимоий воқеилик ва маърифатли дунёга оммавий равишда таҳдид қилмоқда. Бунинг сабаби глобаллашув жараёнларининг жамият субъекти бўлган шахсларга бузғунчи таъсирдан иборат. Чунки ушбу таъсир туфайли барқарор ижтимоий стереотипларда издан чиқиш, умумий бузилиш ва қадриятлар тизимининг қадрсизланиши юзага келмоқда. Катта таъсир кучига эга бўлган замонавий террористик ташкилотлар (мисол учун, ИШИД) қаттиқ туриб ушбу глобал жараёнларда шахс хусусиятидаги ана шу заифликлардан унумли фойдаланиш учун ҳаракат қилишаётгани ҳам ана шунда. Ушбу таъсир натижасида амалда “тирик мурда”га айланиб қолаётган террорчи шахс фанатларча бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкиш эвазига ўзига жаннатдан жой изламоқда.

Албатта, ана шундай мураккаб шароитда мавжуд муаммонинг ечимини излаш биринчи навбатда тарбияга бориб тақалади. Ушбу ўринда назарда тутилаётган тарбия деганда иқтисод эмас, балки болалар боғчасидан бошланиши лозим бўлган педагогика назарда тутилмоқда. Зеро, бола қанча ёш бўлса ёши катталарга кўра янги нарсаларни тезроқ англайди. Шундай экан болага ниманидир ўргатиш биз катталарнинг вазифамиз экан, барча нарсани эмас, балки керак нарсани ўргатишни ўзимизнинг асосий бурчимиз деб билишимиз даркор.

Маълумки, терроризм мафқурасида кўп ҳолларда ёшлардан террорчилик актларини амалга оширишда восита сифатида фойдаланиш амалиёти кенг тарқалган. Бунда террорчилар ёшлар онгига таъсир этиш механизми сифатида замонавий ахборот технологияларини кенг қўллашади. Натижада террорчилар томонидан таъсир этиш кучини ошириш мақсадида ўйлаб топилган жозибадор

“юксак ғоялар” муайян тоифадаги ёшлар вакилларининг эътиборини тортмасдан қолмайди.

Террорчилар ихтиёридаги бундай усул ва воситалар инсон онгига замонавий технологиялар ёрдамида самарали таъсири этиш имкониятларига асосланган бўлиб, таъбир жоиз бўлса, “заифга нисбатан кучли одамнинг сиёсати” сифатида содир бўлади. Бу усул алоҳида хусусиятга эга бўлиб, асосан, ёшлар учун мўлжалланган бўлиб, ҳали ақлий ва маънавий жиҳатдан етилмаган, қатъий ҳаётий позицияси шаклланиб улгурмаган, мафкуравий иммунитетини суиқийм билан бўлган ёшлар радикал, миллий, ижтимоий ёки диний ғоялар тузоғига жуда тез “илинадилар”. Буни мамлакатимиз тараққиётининг 90-йиллари яққол тасдиқлайди. Айнан ўша даврларда кўпинча диний ёки ғоявий мазҳаб ва секталар орқали Ўзбекистон ёшларининг ваҳҳобийлик, хизбут-тахрир, акромийлар, “нурчи”лар каби оқимларга кириб кетиши, уларнинг эрки ва руҳияти “йўлбошчи”, “муаллимлар” билан бошқариладиган нуқталарда амалга оширилиши кузатилди.

Террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун аксарият ҳолларда ёшларни жалб этиш ва бунда асосан диний ҳис-туйғулардан фойдаланиш тажрибаси қўл келганлиги жуда эътиборли жиҳатларидандир. Зеро, террорчилар террорчилар янги ахборот технологиялардан, авваламбор, Интернет тармоғининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда, гўёки, туб ислом таълимотини тарғиб қилишади, ёшларни исломга даъват қиладилар ва уларнинг “халоскори”га айланадилар. Улар ўз “халоскорлик роли”дан халқаро миқёсда ҳам кенг фойдаланган ҳолда, террорни “ғайридинларга” қарши тотал уруш олиб бориш усули сифатида ҳам ташвиқот қилишмоқда. Бу эса халқаро майдондаги вазиятни беқарорлаштириш, зиддият ва келишмовчиликларнинг авж олиши, турли халқлар ва давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларга раҳна солиш учун хизмат қилмоқда. Вазиятнинг бундай мураккабланишига интернетдан фойдаланишнинг осон ва қулайлиги, ахборот миқдорининг ғоят кўплиги ва хилма-хиллиги, жозибadorлиги ва қизиқарлилиги, замон ва макон чегараларининг деярли мавжуд эмаслиги сингари жиҳатлар эса ўзига хос туртки бўляпти. Буларнинг барчаси

асосан ёшларни терроризм технологияларининг ҳақиқий ва мумкин бўлган қурбонларига айлантормоқда.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, терроризм бугунги кунда замонамизнинг долзарб, аммо ханузгача енгиб бўлмайдиган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шундай экан, мақсад ва моҳиятига кўра ўта мураккаб ҳодиса бўлган терроризм кўп қиёфали, унинг муаммолари методологик, тизимли, изчил ва ўзаро узвий бўлган соҳалараро ўрганишни тақозо этади.

Минг афсуски, бу кучларнинг асл қиёфаси, мақсад-муддаолари ва имкониятларини тўла ва аниқ-равшан тасаввур қилиш осон эмас. Чунки улар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида иш кўришади. Бундай кучларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйланган, узоқ ва давомли ёвуз мақсадлари акс эттирилган режа ва дастурларига хизмат қилишини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бинобарин, дунё миқёсида, тинчлик ва барқарорликка раҳна солишга интилаётган терроризм таҳдидларини ўз вақтида англаш, улардан доимо огоҳ бўлиш, мазкур ҳаракатларни ўз вақтида бартараф этиш Учинчи Ренессанс пойдеворига замин қўйилаётган бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлигини ҳар биримиз чуқур англашимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Tuhtarov I. et al. Kant's pedagogy and contemporaneity //Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation. – 2021. – Т. 32. – №. 2. – С. 1633-1636.
2. Эргашов У. О., Мамасиддиқов А. А. ОТНОШЕНИЕ ЦАРСКОЙ РОССИИ К ШКОЛАМ ДЖАДИДОВ //Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 122-130.
3. Maxmudova A. N. ALOUDDIN ATOMALIK JUVAYNIYNING “TARIXI JAHONGUSHOY” ASARI XORAZMSHOHLAR DAVLATI TARIXIGA OID MUHIM MANBA //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 11. – С. 322-329.
4. Олтмишева Насибахон Гуламжоновна, Мамаюнусова Матлюба Исмаиловна Особенности формирования личности // Проблемы Науки. 2020. №1 (146). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-formirovaniya-lichnosti> (дата обращения: 06.01.2022).

5. Мамаюнусова Матлюба Исмаиловна, Олтмишева Насибахон Гуламжановна Место экологического воспитания в семье // Вестник науки и образования. 2019. №20-3 (74). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mesto-ekologicheskogo-vospitaniya-v-semie> (дата обращения: 06.01.2022).
6. Эргашев Улугбек Адхамович, Уринбаева Мафтуна Садиковна, Умурзаков Ахмаджон Махаматович Рынок и нравственность // Проблемы Науки. 2019. №10 (143). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rynok-i-nravstvennost> (дата обращения: 06.01.2022).
7. Умурзаков А. М. ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ВЕРЫ // Экономика и социум. – 2021. – №. 4-2. – С. 507-510.
8. corners Tojiboev U. U. et al. PROBLEMS OF DEVELOPMENT OF RECREATIONAL TOURISM IN THE FERGANA VALLEY // Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2020. – Т. 2. – №. 1. – С. 169-172.
9. Санжарбек Султонбекович Хошимов “ВАН ЯН МИН ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ГНОСЕОЛОГИК ҚИРРАЛАРИ” // Academic research in educational sciences. 2020. №3.
10. Abdukhamidov I., Tojiboyev U. OBJECTIVE REASONS OF THE MIGRATION PROCESS IN THE FERGHANA ECONOMIC REGION. EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues ISSN: 2321-6247. Volume: 8. Issue: 5. December 2020, 16-19.
11. Abdukhamidov I. PROCESSES OF POPULATION MIGRATION IN FERGANA REGION // INTERNATIONAL CONFERENCE. "THE HISTORY OF THE FERGANA VALLEY IN NEW RESEARCHES". Section 4. 2021, 3-10.
12. Тожибоев У. У. Процесс формирования туризма в Ферганской долине в годы Советского Союза // Актуальная наука. – 2019. – №. 9. – С. 57-59.
13. Тожибоев У. У., Рахимов И. А. ДУХОВНЫЕ ОСНОВЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА // Актуальная наука. – 2019. – №. 11. – С. 137-140.
14. Умурзаков А. М. ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ВЕРЫ // Экономика и социум. – 2021. – №. 4-2. – С. 507-510.
15. Ergashev U. A. Relationship with religion in Uzbekistan // Экономика и социум. – 2020. – №. 5-1. – С. 37-39.
16. Эргашов У. О., Нуриддинов М. А. ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА // Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 212-215.
- 23 Мамаюнусова Матлюба Исмаиловна, Олтмишева Насибахон Гуламжановна Место экологического воспитания в семье // Вестник науки и образования. 2019. №20-3 (74). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mesto-ekologicheskogo-vospitaniya-v-semie> (дата обращения: 06.01.2022).